

**ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА УНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Даминов Отабек Уткир ўгли*  
*Ўзбекистон Республикаси*  
*Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги*  
*Солиқ қомитаси ходими*

**Аннотация** Мазкур мақолада электрон тижоратнинг назарий асослари, унинг юзага келиш ва ривожланиш босқичлари, турли олим ва тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари, электрон тижоратнинг иқтисодий субъектлари учун афзалликлари, солиққа тортиш масалалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** электрон тижорат, иқтисодий субъектлари, интернет тармоқлари, солиққа тортиш.

**Кириш**

Электрон тижорат кўламининг жадал суръатлар билан ўсиб бориши глобал Интернет тармоғида электрон тадбиркорлик фаолияти юритилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи мазкур тижорат субъектларини самарали солиққа тортиш механизмини шакллантириш давлат бюджетига солиқ тушумларининг ўсиши билан бевосита боғлиқ муҳим масалалардан бири эканлигини намоён этмоқда. Тараққий этган ёки жадал ривожланиш йўлига мўлжал олган қатор мамлакатларда қўлга киритилган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар аксарият ҳолатларда мазкур мамлакатларда ахборот ва Интернет технологияларининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланаётган жараёнда электрон тижорат фаолиятини самарали солиққа тортиш сиёсатини шакллантириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

**Назарий ва эмперк адабиётлар шарҳи**

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар товар пул муносабатларида трансакцион харажатларни қисқартириш, иқтисодий рақамлаштириш, шунингдек, электрон тижоратни ривожлантиришда муайян натижаларга эришиш имкониятларини оширмоқда.

Шу ўринда электрон тижорат тушунчасини кўриб чиқиш ўринли бўлади. “Википедия” интернет-энциклопедияси сайтида “Электрон тижорат (е-тижорат, ингл. “e-commerce”) - бу интернет орқали савдо-сотик амалиётларини ташкил этиш” деб таъриф берилган [1].

Электрон тижорат тушунчаси борасида қуйидаги иқтисодчи-олимлар томонидан турлича таъриф ва талқинлар берилган.

Электрон тижоратнинг назарий асосларини дастлаб тадқиқ этган олимлардан америкалик иқтисодчи Дэвид Козье томонидан “Электрон тижорат - электрон тармоқлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик шакли” сифатида кўрсатилган [2].

“Электрон тижорат бу ахборот айрибошлаш воситаларидан фойдаланган ҳолда операциялар амалга оширилган тижорат фаолияти” [3].

Айрим олимлар “Электрон тижорат деганда интернет савдо тушунилиши”ни таъкидланган[4] бўлса, америкалик иқтисодчи П.Герпининг фикрига кўра “Интернет-технологиялардан фойдаланилган иқтисодий фаолиятнинг барча турлари - электрон тижорат” бўлади [5], россиялик И.Голдовский эса “Товарларга буюртмалари Интернет орқали амалга оширилган савдонинг барча шакллари электрон тижорат”га киришини қайд қилган [6].

Россиялик иқтисодчи И.Успенский томонидан берилган таъриф кенгрок бўлиб, унда “Электрон тижорат деганда электрон усуллар билан амалга ошириладиган, номоддий айрбошлаш ва жисмоний мулоқотсиз амалиёт натижасида мулкга бўлган эгаллик ҳуқуқи ёки товар (хизмат)дан фойдаланишга бўлган эгаллик ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишида юзага келадиган тижорат келишувларнинг барча шакллари” тушунилиши келтирилган [7].

“Электрон тижорат деганда - компьютер тармоқлари ёрдамида электрон шаклда амалга ошириладиган тадбиркорликнинг алоҳида шакли” сифатида қаралади [8].

### **Таҳлил ва натижалар**

Электрон тижорат - бу кенг тушунча бўлиб, унинг таркибига: онлайн-савдо, ахборот алмашинуви, электрон банкинг ва суғурта хизматлари, пул ўтказиш ва электрон пул воситалари, электрон маркетинг каби категориялар киради. Электрон тижорат - замонавий ахборот технологиялари ва Интернет тармоғи ёрдамида амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар тизимидир.


Электрон тижоратнинг 3 та таркибий унсурлари бўлиб, улар иштирокчилар, тармоқлар ва жараёнлар ҳисобланади. Иштирокчилар таркибига давлат органлари, хўжалик субъектлари, истеъмолчилар киради, тармоқлар корпоратив, интернет, тижорат, экстранетларни ўз ичига олса жараёнлар эса: бозорни тадқиқ этиш, сотув, ҳисоб-китоблар, қўллаб-қувватлаш, суғурта ва бошқалардан иборат.

Электрон тижорат ўз ичига қуйидаги бизнес-жараёнларни олади:

- 1 босқичда электрон маълумот алмашинуви амалга оширилади;
- 2 босқичда потенциал буюртмачи ва етказиб берувчилар ўртасида мулоқот ўрнатилиб, электрон шартнома расмийлаштирилади;
- 3 босқичда товар (иш, хизмат), шу жумладан ахборот махсулотларини

реализацияси амалга оширилади;

- 4 босқичда электрон тўлов тизимлари ёрдамида тўлов амалга оширилади.



### 1- расм. Электрон тижорат бизнес-жараёни<sup>1</sup>

Электрон тижоратнинг анъанавий тадбиркорлик фаолиятига қараганда бир қанча афзалликлари ва устунликлари мавжуд. Ушбу афзалликлардан манфаат олувчиларга кўра тўртта йўналишга: тадбиркорлик субъектлари, истеъмолчилар, жамият ва умумий иқтисодиёт учун ажратишимиз мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари учун электрон тижоратнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- тижоратни Глобал миқесда олиб борилиши, товар (иш, хизмат) лар бозорини чексиз кенгайтириш имкониятлари;
- харажатларни камайиши (дўкон очиш, реклама ва хизмат кўрсатиш харажатлари, товар-захираларини бошқариш, сақлаш ва ташиш харажатларини камайиши);
- харажатларни камайиши ҳисобига рақобатбардошликнинг ортиши;
- буюртмаларни расмийлаштириш ва бажаришга кетадиган вақт сарфининг нисбатан камлиги;
- ахборот алмашинуви жараёни тезлашиши;
- савдо-сотик фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти;
- тадбиркорлик субъектининг катта ёки кичиклиги, жойлашган жойидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулотни сотиш имконияти;
- етказиб бериш тармоғини яхшиланиши;
- 24/7 тартибда узлуксиз фаолият кўрсатиш имконияти (кечаю-кундуз);

<sup>1</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

- товарни бозорга тез олиб чиқиш имконияти;
- ҳар бир истеъмолчи талабига алоҳида ёндашиш ва бошқалар.

Электрон тижорат ривожланаётган давлатлар учун йирик, кичик бизнес вакиллари жаҳон бозорларига чиқишини осонлаштиради. Улар анъанавий тижоратдаги каби жаҳон бозорларига чиқишлари учун катта маблағ сарф қилмайдилар. Маркетинг харажатлари кескин камайиб, транзакцион харажатлар анчага қисқаради. Тўлов жараёни вақти анъанавий савдо жараёнидан кўра анчага қисқаради. Ушбу жараён фақат виртуал инфраструктурага кўшилиш билан эришилади.

Истеъмолчилар учун электрон тижоратнинг афзалликлари бўлиб, қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда товар (иш, хизмат) ларни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга;
- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиш имконияти;
- керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган корхоналарга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш имконияти;
- ҳозирги кундаги мавжуд жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиб олиш имконияти;
- харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;
- харид қилиш жараёнидаги анонимлик;
- харид қилинган товарни оператив етказилиши;
- уйда, ишда ёки бошқа кўчага чиқмаган ҳолатда харид қилиш имконияти ва бошқалар.

Электрон тижорат жамиятнинг умумий ривожланишида ҳам муҳим ўрин касб этади. Хусусан:

- электрон тижоратда савдони ташкил қилиш корхоналарнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулотларнинг сифатини ошириш имкониятини беради;
- таълим, соғлиғни сақлаш, коммунал хўжалиги каби соҳаларда кенг кўламдаги қўшимча хизматлар кўрсатилиши;
- аҳоли яшаш даражасининг кўтарилиши (замонавий ахборот технологияларни тушунади ва унинг қулайликларидан фойдаланади, смарт-технологияли жиҳозлар ва воситаларни ишлатади ва бошқалар);
- тадбиркорликда товар(иш, хизмат)ларни сотиш жараёнида

шаффофликни таъминланиши турли коррупцион ҳолатларни олдини олади;

- миллий хавфсизлик оширилади;
- иқтисодиётни “рақамлаштириш” жараёни тезлашади;

– он-лайн савдо ёки буюртмалар қатор ижтимоий, экологик муаммоларни ҳал этади, хусусан, шаҳарда автомобиль қатновини тирбандлигини камайишига ва атроф-муҳитни ифлосланиши олди олдинишига таъсир қилади.

Электрон тижорат юқорида таъкидланган афзалликларидан ташқари мамлакат иқтисодиётининг қуйидаги йўналишларини ривожланишига ижобий таъсир қилади:

- меҳнат бозори кенгайиши ва малакали ишчи кучидан фойдаланиш;
- экспорт салоҳиятини ўсиши;
- фаолият турларини кенгайиши;
- давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадларини кўпайиши.

Умуман олганда электрон тижоратнинг нафақат алоҳида тадбиркорлик субъекти ёки истеъмолчига ижобий жиҳатлари мавжудлигида, балки ҳозирги кунда давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Электрон тижоратнинг хусусиятларига кўра унинг афзалликлари ва устунликлари билан бирга, қатор камчиликларни юзага келтиради, хусусан:

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида: ҳамкорлик ўрнатиш, шартнома тузиш жараёнлари давомида томонларда ўзаро шубҳа бўлиши (веб-сайт ва ундаги маълумотдан ташқари электрон тижорат субъекти тўғрисида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмаслиги, унинг жисмоний кўринмаслиги ҳолатлари), шунингдек, Интернетда фаолиятни ташкил этиш ва ушбу жараённи қонунийлаштиришда қийинчиликлар каби камчиликлар электрон тижоратда кузатилиши мумкин.

Электрон тижоратни амалга ошириш жараёнида истеъмолчиларда ҳам қатор камчиликлар кўзга ташланади, хусусан:

- Интернет орқали сотилаётган товар (иш, хизмат) ларга истеъмолчининг ишончсизлиги;
- ҳарид қилинаётган товарни ўрганиш жараёнида моддий кўринишда эмаслиги, яъни кўл билан ушлаб кўриш имконияти мавжуд эмаслиги;
- ҳарид қилинган товар, дўкондаги каби ҳарид жараёнининг ўзида олиб кетилмаслиги, балки бир муддат етказиб келишини кутиш кераклиги;
- маълум бир сабабларга кўра товар қайтарилган тақдирда қийинчиликлар юзага келиши, хусусан, тўланган тўловни қайтариб олиш;
- товарни етказиб берилиши учун қўшимча ҳақ тўланиши ва ҳаражат

сарфланиши. Натижада товар нархининг ошиши.

Шу билан бирга электрон тижорат амалга ошириш механизми хусусиятлари ва тизимнинг хавфсизлик даражаси пастлиги сабабли турли ноқонуний фаолиятни амалга оширувчилар, жумладан, товламачилар, “хакер”лар, “кибер-жиноятчи”ларни ўзига жалб қилади. Электрон тижоратда истеъмолчи ва етказиб берувчи ҳам улардан зарар кўриши мумкин.

Электрон тижорат янги шаклдаги тадбиркорлик субъектларини пайдо қилиб, улар сонининг ошиб боришини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан анъанавий оф-лайн савдо субъектлари фаолиятининг қисқаришига ҳамда улар сонининг камайишига олиб келаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги кунда электрон тижорат давлатлар учун давлат бюджетига солиқ тўловлари йўқотишларига олиб келаётган муаммолардан бирига айланиб бораётганлигини қайд этиб ўтамиз.

ИХРТ, АҚШ, Буюк Британия ва Европа Иттифоқи томонидан келишилган ҳолда электрон тижорат фаолиятини ташкил этишнинг тўртта асосий тамойиллари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, хусусан:

- бозор муносабатларидаги рақобат қоидаларига кўра электрон тижорат фаолиятини ривожланишида хусусий тармоқ етакчи бўлиши;
- давлатнинг аралашуви минимал даражада бўлиб, халқаро ҳуқуқни мувофиқлаштиришнинг барқарор тизими шаклланишини кўмаклашишига қаратилган бўлиши керак;
- электрон тижоратнинг глобал хусусиятига кўра, бу борадаги давлат сиёсати халқаро даражада ўзаро келишилган ва мувофиқлаштирилган бўлиши лозим;
- электрон тижоратни солиққа тортиш жараёни анъанавий шаклга нисбатан бетараф бўлиши, жаҳон амалиётида қабул қилинган тартиб-таомилларга мос келиши, кам ҳаражатли бўлиши керак.

Молия технологияларининг жадал ривожланиши тадбиркорлик фаолиятида ҳам янги муҳит, тартиб-таомил ва усуллар мажмуаси шаклланиши борасида қулай омилларни юзага келтирди. Хусусан, шартнома ва келишувларни ахборот технологиялари тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузиш ва электрон тижорат учун имконият яратилди. Ҳозирги кунда электрон тижорат глобал Интернет тизимининг ажралмас қисми сифатида тадбиркорлик равнақида муҳим ўрин эгалламоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Электрон тижорат ҳар қандай мамлакат иқтисодиётига нафақат ижобий таъсир этиши айтилиши вақтда қатор муаммолар юзага келишига омил бўлмоқда.

Электрон тижоратнинг айрим жиҳатларини норматив тартибга солиш масалалари ўзининг тўлиқ ечимини топмаган масалалардан ҳисобланади. Хусусан, бугунги кунда электрон тижоратнинг жадал ривожланаётганлиги унинг субъектларини солиққа тортиш масаласини ҳам ҳал этишни тақозо этмоқда;

давлатнинг электрон тижоратни солиққа тортиш борасидаги сиёсат кўп жиҳатдан мамлакатдаги ахборот технологияларининг ривожланиш даражасига узвий боғлиқ, хусусан, қатор етакчи давлатлар электрон тижоратни солиққа тортишда амалдаги имтиёзли тартибни сақлаб қолиш тарафдори бўлса, қатор давлатлар аксинча электрон тижоратни солиққа тортишдаги бўшлиқларни бартараф қилиш, бюджет ва солиқ манфаатлари нуқтаи назаридан ушбу фаолиятни давлат томонидан мувофиқлаштиришга уриниши кузатилмоқда. Жаҳонда электрон тижоратни солиққа тортишда юзага келган яна бир йўналиш қатор давлатларнинг олиб бораётган сиёсат билан бевосита боғлиқликда ушбу жараёнда ўзи учун мақбул йўлни танлашини келтириб ўтиш мумкин;

электрон тижоратнинг афзаликларини қайд этган ҳолда, аънанавий иқтисодий муносабатлар ўзгариши натижасида солиқ ва божхона қонунчилигида қатор муаммолар, хусусан, амалга оширилган келишувларни назорат қилиш мураккаблашмоқда, электрон тижорат бозори субъектлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланган ҳолда ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки суистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунда нафақат солиқ органлари, балки ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини аниқлаш ва тегишли тарзда маъмурий-жиноий жавобгарлик бўйича ваколатли органларнинг назорати ҳам талаб этилмоқда;

солиқ органлари ўз ваколатлари доирасида банк ҳисоб рақамлари ва электрон “ҳамён”ларга эга тижорат субъектларининг банк ҳисобварақларидаги маблағлар оқимини ва электрон пул ўтказмаларини мониторинг қилишлари, кредит муассасаларидан бундай фаолият бўйича маълумотларни олишлари мумкин. Аммо, бундай фаолиятни расман тадбиркор сифатида эмас, балки ўз электрон “ҳамён”ига эга бўлган шахс сифатида амалга оширса, унда бундай маблағларнинг электрон оқимини солиқ назоратига олиш имконияти чекланиб қолади. Ушбу жараёнда миллий ва хорижий тижорат субъектлари электрон маҳсулотлар ва хизматларни етказиб берувчиларнинг даромадлари бўйича кредит ташкилотларининг мажбуриятларини белгилаш ҳам мақсадга мувофиқдир;

электрон тижоратни солиққа тортиш жараёнида солиқ маъмурчилиги муаммоларининг юзага келиш сабабларидан яна бири сифатида икки томонлама ёки кўп томонлама давлатлараро солиқ органлари ўртасида ўзаро мувофиқлаштириш тизимининг йўлга қўйилмаганлигидир. Электрон тижорат

соҳасида солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда солиқ хизматларининг халқаро ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш зарур.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. [https://www.wikiwand.com/uz/Elektron\\_tijorat](https://www.wikiwand.com/uz/Elektron_tijorat)
2. Козье Д. Электронная коммерция / Пер. с англ. М.: Издательско-торговый дом «Русская редакция», 1999. С. 2.
3. Кобелев О.А. Электронная коммерция: Учеб. пособие / Под ред. С.В. Пирогова. 3-е изд., перераб. и доп. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2008. 684 с.
4. Эймор Д. Электронный бизнес. Эволюция и/или революция. М.: Вильямс, 2001. 320 с.
5. Gary P. Electronic Commerce, Ninth Edition, Schneider, Ph.D., CPA. Printed in the United States of America, 2011. С. 4.
6. Голдовский И. Безопасность платежей в Интернете. СПб.: Питер, 2001. 240 с.
7. Успенский И. Энциклопедия Интернет-бизнеса. СПб.: Питер, 2001. С. 61.
8. Корень А.В. Налогообложение субъектов электронной коммерции: проблемы и перспективы: монография. - Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2011.